

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

МАЛАКА ОШИРИШ МАРКАЗИ

Курс иши

МАВЗУ: “ОТЛАР ГИГИЕНАСИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИ

Ўқиш муддати: 1 ой

Бошланди: 3 - ноябрдан 2013 йил

Тугади: 30 - ноябргача 2013 йил

Раҳбар: катта ўқитувчи

Чалабаев А,Ж.

**Тингловчи: Жиззах вилояти,
Пахтакор қишлоқ хўжалик
касб-хунар коллежи ўқитувчиси**

Олтибоев Гулом

САМАРҚАНД - 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
II. Асосий қисм. Мавзунинг ечими ва матнда ёритилиши	6
III. Мавзуни қишлоқ касб - ҳунар коллежида ўқитиш услуби	
IV. Хулосалар	23
V. Фойдаланилган адабиётлар руйхати	24

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодийтимизнинг муҳим секторидан бири бўлган қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислохотларни тобора чуқурлаштириш асосида чорвачиликни янада ривожлантириш учун қатор имкониятлар яратилмоқда. Истиқлолга эришган кунларданок аграр секторнинг муҳим тармоғи ҳисобланган чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Энг асосийси соҳада бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиб, чорвачиликни барқарор ривожлантиришни ҳуқуқий асослари барпо этилди. Бунга мисол қилиб, Давлат қонунларини, Президент фармон ва қарорларини ва ҳукумат Дастурларини, Вазирлар маҳкамасининг қатор қарорларини келтириш мумкин. Айниқса, бу борада Президент И.А.Каримов томонидан “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлар тўғрисида” ги 2006 йил 23 мартда қабул қилинган 308–сонли ҳамда “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган 842 - сонли қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорларни жойларда ижросини таъминлаш мақсадида, Республика Вазирлар маҳкамасининг 2009–2011 йиллар давомида чорвачиликни ривожлантириш, қорамоллар бош сонини ва сут ҳамда қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида Республика Дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатда чорвачилик, қорамолчилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантиришга йўналтирилган қатор қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хозирги даврда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уни оммавий тарзда ривожлантиришни мамлакатимизда жадал суратлар билан олиб

борилмоқда. Фермер хўжаликлари маҳсулотини ишлаб чиқариш қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш каби жараёнларни ўз қўлларига олишлари ҳамда ҳақиқий мулк эгалари бўлиши керак. Республикамизда чорва молларини бош сонини кўпайтириш уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, жаҳон андозаларидаги янги технологияларни жорий этиш, чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон, фермер, ижара каби ишлаб чиқариш усулларини қўллаб чорвадорларни мулк эгалари деб ҳис этган ҳолда меҳнат қилиш билангина чорвачиликни ривожлантириш мумкин.

Озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, чорва молларини парваришлаш билан шуғилланидиган аҳоли ва фермерларнинг юқори сифатли озуқа – омухта ем шрот ва шлухалардан кенг фойдаланишни таъминлаш ҳам чорвачилик соҳасининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мамлакат аҳолисини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан асосан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари таъминланмоқдалар. Бу хўжаликларда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларини жадал ўстириш ва бўрдоқлаш эвазига кўп ва сифатли гўшт етиштириш чоралари кўрилмоқда.

Чорвачилик халқ хўжалигининг қадимий тармоқларидан бири бўлиб, уларнинг бош сонини кўпайтиришда мўл ва сифатли маҳсулотлар олишда асосий омиллардан бири озиқлантиришни ташкил этиш. Тўғри ва тўлиққийматли озиқлантиришни ташкил этиш учун аввало ҳар бир фермер хўжаликларида етиштирилган озуқанинг тўйимлилигини билиш тузилган рационнинг ҳайвонларнинг талабига жавоб бериш ва билмаслигини билиш зарур. Чунки ҳайвоннинг энергияга бўлган талаби қондирилсагина ўзидаги мавжуд генетик имкониятни ишга солади.

Маълумки ҳайвонларни тўғри ва тўлиққийматли озиқлантириш маҳсулот олишда асосий омил ҳисобланади. Озиқлантиришни тўғри ташкил қилиш учун озиқаларнинг таркибидаги тўйимлик моддалар билан бир қаторда минерал моддалар, витаминлар ва бошқа турдаги биологик актив моддаларнинг таъсирини билиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси маърузаси эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жаҳонда эътироф этилган тараққиётнинг ўзбек модели ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, дунё иқтисодиётида юз бераётган инқироз ҳолатларига қарамасдан, 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминлангани қайд этилди.

Жорий йилнинг “Обод турмиш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан 2013 йил учун белгиланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда оиланинг ўрни ва таъсирини ошириш, ҳар бир оиланинг моддий фаровонлигини ошириш орқали халқ фаровонлигини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Республикаимиз Президентининг қатор фармонларида чорвачиликни жадал ривожлантириш, халқимизнинг тобора ўсиб бораётган чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бу талабни қондиришда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш катта аҳамиятга эга. Чорва моллари ва паррандалардан олинадиган гўнг ўсимликлар учун қимматли органик ўғит сифатида фойдаланилади. Ҳайвонлар арзон тўйимлилиги кам бўлган ўсимлик озиқаларини, кишилар истеъмоли учун зарур бўлган қимматли маҳсулот ва саноат учун керакли бўлган хом ашёга айлантириб беради.

Аҳолини сифатли ва арзон чорва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дунё мамалакатларидаги каби бизнинг ҳам мамлакатимизда ҳам энг долзарб масалалари ҳам бири бўлиб турибди. Мустақилликга эришганимиздан кейин мамлакатимизда бошқа соҳа ва тармоқлар каби чорвачиликнинг ривожланишига катта эътибор берилмоқда.

II. Асосий қисм. Мавзунинг ечими ва матнда ёритилиши

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг бир тармоғи ҳисобланиб қорамолчилик, чўчкачилик, қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, туячилик, буғичилик, қуёнчилик ва муйначилик, паррандачиликни ўз ичига олади. Ҳар хил ҳайвон турларини боқиб кўпайтириш, хилма – хил озиқ – овқат маҳсулотлари ва хом – ашё етиштиришни таъминлайди, яъни чорва ходимларининг бош вазифаси аҳолини озиқ – овқат маҳсулотлари ва саноатни қишлоқ хўжалик хом – ашёси билан таъминлашдир. Ҳайвонларни сақлашда, озиқлантиришда ва улардан фойдаланишда жадал технологияни, механизация ва автоматизацияни кенг жорий этиб фермер хўжаликларда, парранда фабрикаларида меҳнат унумдорлигини 5 – 6 марта ошириб, маҳсулот таннархини 20 – 30% га пасайтириб ишлаб чиқарилган маҳсулотга озиқа харажатини 1,5 – 2 марта тежашга эришилмоқда. Чорвачиликни фермер хўжаликларда кўпайтириш, ҳайвонлар ва паррандалар организмнинг физиологик талабига қараб туйимли озиқа рационини тузиш, сифатли озиқа ва сув билан таъминлаш, микроклим талабига жавоб берадиган биноларда сақлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга кўп нарса боғлиқ бўлади. Юқори маҳсулдор ҳайвонларни кўпайтириш, хўжаликларга ҳар хил юқумли касалликларни кириб келишини олдини олиш, ветеринария – санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш каби ишлар ҳозирги давр талабидир. Шу тадбирлар асосида қабул қилинган технологияни лойиҳалаш меъёрлари, айниқса чорвачилик ферма ва айрим биноларни лойиҳалашда, қуришда, ва

кайта куришда зоогигиена ва ветеринария санитария талабларига қатъий амал қилиш керак. Фермер хўжалиги шароитида ҳайвонларни озиклантириш, сақлаш ва турли касалликларни олдини олишда зоогигиеник, ветеринария – санитария қоидалари ва талабларига қатъий амал қилингандагина ҳайвонларни соғлиги, юқори маҳсулдорлиги ва наслдорлигини сақлаб қолиш мумкин. Чорвачиликда зоогигиена меъёр, қоида ва талабларни кенг қўллаш ҳайвонлар маҳсулдорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Йилкичилик чорвачиликни муҳим тармоғи бўлиб, отлардан кишлоқ хўжалигида, спорт уйинларида, чегара қўшинларида, ички ишлар вазирлиги соҳасида, ер ости конларида ишчи кучи сифатида фойдаланилади ва маҳсулот олинади. Статистик маълумотларга қараганда иккинчи жаҳон урушигача дунёда 90 млн от бўлган. 2012 йилга келиб Ўзбекистонда 195,1 минг бош от мавжуд бўлган.

Отларни сақлаш усуллари - отлар икки хил усулда яъни отхона ва яйлов-уюр усулида сақланади. Отлар отхоналарда алоҳида ёки гуруҳ қилиб боқилади. Тойлар гуруҳ ҳолида секцияларда сақланади. Ҳар бир секцияда 20 бошгача той (1,5 ёшгача) ёки 100 бошгача катта ёшдаги отлар бўлади. Биялар турадиган отхонада туғиши учун алоҳида жой жиҳозланади. Якка турган отлар учун 600 м², тойлар учун 400 м² ва бошқа гуруҳдаги отлар учун 200 м² жой яйратиш учун ажратилади. Ишчи отлар отхонада алоҳида ажратилмай, балки отларни тозалаш ва қараш учун ташқарида боғлаш жойлари қилинади. Отчилик фермалари учун ТЛМ 9-83 бўлиб, хўжаликлар йўналишига қараб; наслчилик, ишчи ва товар фермаларига бўлинади. наслчилик хўжаликларида отхоналар 20, 40, 60, 80, ва 120 бош бияга мўлжалаб қурилади. яйловда эса 100, 200, 300 бошгача биялар бирга боқилади. гўшт етиштиришга мўлжалланган товар фермаларида 150 - 900 бошга, қимиз етиштиришда 50 - 150 бошга мулжаллаб қурилади.

Наслчилик хўжалигида отхона 40 бошга мўлжаллаб қурилса, унда биялар, айғир ва ахталанган айғирлар сақланади. Онасидан ажратилган тойларни 80 бошига алоҳида бино қурилади. Насллик отлар учун қурилган

отхоналарда денник, манеж (қочириш жойи), емхона, асбоб-анжомлар, эгар-жабдуқлар, навбатчилар, дағал озуқа ва тўшамалар, сунъий қочириш хонаси ва бошқалар бўлади.



1 – расм. Отларни денникда сақлаш

Ишчи отлар учун қурилган отхоналарда юқоридагилардан ташқари стойла, эгар-жабдуқларни таъмирлаш ва тақалаш устахонаси бўлиши керак. Қимиз ишлаб чиқаришга мўлжалланган товар хўжалигида эса соғиш хонаси бўлади. Ёш наслик тойларни сақлаш биноларида денник, манеж (эгарлаш), ўргатиш ва чиниқтириш майдони, душ хоналари, денник ва гуруҳда сақлаш учун алоҳида бўлимлар (секция) бўлади. Яйловларда ҳар бир от учун 0,3 - 0,5 га ер ажратилиб иложи бўлса тўсиқлар билан ўралади. шамол ва ноқулай об-ҳаводан сақлаш учун шийпонлар қурилиб ичида охурлари бўлади.

Ҳамма турдаги отчилик фермаларида ветеринария бўлими, тортиш жойи, суғориш қурилмаси, темирчилик, эгар жабдуқ устахонаси, озуқа омбори, гўнгхона, идора, маиший хизмат хоналари қурилади. Ёш тойлар учун қурилган бинолар бошқа отхоналарга қараганда баландроқ шамол эсадиган томондан қурилади.



1 – расм. Отлар уюри

Отхона ва унинг ички жиҳозлари технологияни лойиҳалаш меъёрига (тлм 9-83) тўғри келиши зарур. отхоналар асосан г ва п шаклда қурилиб, стойла ва денниклар 2 қатор қилиб жойлаштирилади. Уларнинг орасидан кенглиги 2,6 - 3 м бўлган озуқа - гўнг йўли қилинади. От заводларида, отхоналарда озуқа - гўнг йўли 2 м кенгликда, девор томонидан қурилади. Отхонанинг бир қаторида 12 тагача денник, 30 тагача стойла жойлаштирилиб, бинонинг ўртасида бошқа қўшимча хоналар қилинади. Насллик отлар отхонасининг баландлиги 3 м, ишчи отлар учун 2,4 м ва товар хўжалигидаги отхоналар учун 2,7 м ва манежнинг баландлиги 4,5 м бўлади. Бинолар иссиқ, ёруғ, қуруқ бўлиши ва вентиляция яхши ишлаши керак. бир бош от учун стойла юзаси 5 - 5,5 м², денник эса 10,5 - 12 м², той гуруҳлари учун катаклар 5 - 7 м² юзага эга бўлиши керак. Ишчи отлар сақланадиган жойлар (стойла) да отлар ораси ёғоч-болор ёки девор билан ажратилади. Унинг баландлиги охур томондан 1 м, орқа томондан 65 см бўлади. денникларни ажратиб турадиган тўсиқлар пишган ғиштдан, панжарадан ёки яхши текисланган қалинлиги 5 см лик тахтадан 1,4 м баландликда қилинади. Охур стойланинг кенглигига тенг узунликда қурилиб, отлар дағал озуқаларни

титиб чиқармаслиги учун устига олинувчи панжара қўйилади. Охурнинг бир учидан 40 см қисми ем учун ажратилади. охурнинг устки кенглиги 60 см, пастки кенглиги 40 см ва чуқурлиги 30 см бўлади. Отлар гуруҳ ҳолида сақланса бинонинг бор бўйига ҳар бир от учун 1 м ва ёшларига 0,6 м ҳисобидан охур қилинади. Денникларда 2,1 м узунликдаги охур бир бурчагига ўрнатилади. Автосуғоргичлар денникларда битта, гуруҳ ҳолида сақланса ҳар бир от учун 0,6 м ҳисобидан сув охури қилинади. Сув охурининг ердаги баландлиги 0,9 - 1 м бўлади.

Отларни озиқлантириш гигиенаси - отларни озиқлантиришда гигиена талабларига риоя қилиш уларнинг соғлигини, маҳсулдорлигини, ишчанлигини ошириш омили ҳисобланади. Озуқа рационини тузишда озуқанинг тўйимлилигига, таркибида протеин, минерал моддалар, микроэлементлар ва витаминлар (каротин, витамин д, в, с) нинг етарли даражада бўлишига эътибор бериш керак. Қочиришдан олдин ва қочириш даврида айғирларни ҳар 100 кг вазнига 2 оз. бирлиги, бошқа вақтларда 1,6 оз. бирлиги берилади. Оғир юк ташувчи отларга 1,6 - 1,8 оз. бирлиги берилиб, таркибида ҳазм бўладиган протеин 130 г, кальций - 6 г, фосфор - 5 г ва каротин 30 - 35 мг бўлиши керак. Қулунли биялар сут даврида 100 кг тирик вазнга 2 оз. бирлиги берилиб, унда 100 г протеин, 6 - 7 г кальций, 5 г фосфор, 20 - 25 мг каротин бўлиши лозим. Отлар рационидида кўпроқ беда, ем озуқа бўлиб, донли ўсимликларни похоти майдаланиб, буғлаб емга қўшиб берилади. Илдизмевали озуқалар ювилиб, майдаланиб, пишириб берилса яхши бўлади. Ботулизм касаллигини олдини олиш мақсадида маккажўхори ва кунгабоқар силоси берилади. силосни тайёрлашда ифлосланишига ва тупроқ аралашинишига йўл қўймаслик керак.

Отлар учун энг яхши ем - озуқалар бўлиб сули, арпа, майдаланган маккажўхори, кепак, кунжара ва нўхат ҳисобланади. АҚШда отлар учун энг яхши озуқа бўлиб 12 ҳисса макка, 4 ҳисса сули ва 1 ҳисса кунжара қўшилган рацион ҳисобланади.



Отларни яйловда боқиш

Оғир иш бажарувчи отларга чошгоҳда 1 - 1,5 соат, тушда 2 - 3 соат, пешинда 1 - 1,5 соат дам берилади. кечасидан тонггача озуқа бериб боқилади. Отларни иштахасини ошириш учун биринчи дағал озуқа, кейин сувли, ундан кейин ем ва охирида яна дағал озуқа берилади. Овқат ҳазм қилиш органларини касалликдан сақлаш учун, отларни ишга чиқаришдан олдин ва дам беришдан кейин тезда озуқа берилмайди, яъни озиқлантирилгандан 50 дақиқадан кейин ишга чиқарилади ва ишдан кейин 1 соат ўтгач озиқлантирилади. Бундан ташқари 1 тур озуқадан 2-турга ўтишида ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Ўрганмаган озуқа таъсирида ҳазм қилиш бузилади, ич кетади, қотади, санчик ва метеоризм пайдо бўлади. Чириган, моғорлаган, ҳидланган, музлаган, захарли ўтлар, кум-тупроқ аралашган озуқаларни бериш қатиян маън қилинади.

Отларни суғориш - отлар кўпинча 3 марта, ёз пайтлари 5 - 6 марта суғорилади. иссиқлаган вақтда суғорилса санчик белгилари ва туёқда ревматик шамоллаш пайдо бўлади. Ишдан кейин тери қотиши учун дам берилади. от бадани совигандан ярим соат ўтгач ярим челақ, яна ярим соатдан сўнг тўйганича сув берилади. Агар иш вақтида суғорилиб ишини

дарров давом этказиши мумкин. иш тугашдан 30-40 дақиқа олдин суғорилса, от иштаҳа билан озиқланади. ем озуқалардан кейин суғорилса дамлайди, яъни арпа, сули, жавдарлар шишади ва ачиш жараёни кечади. Шунинг учун емдан 40 - 50 дақиқа олдин ёки емдан 2 соат кейин суғорилади. Ҳар хил касалликлар бўлмаслиги учун тўғри келган сувдан берилмайди, ёки музлаган сувни музини ёриб ичирилмайди. Бу эса шамоллаш ёки бола ташлашга сабаб бўлади. буғоз бия учун сувнинг ҳарорати +100с дан кам бўлмаслиги керак.

Бияларни соғиш - бияларни соғиб, шифобахш қимиз қилиш қадим замондан маълум. ҳозирги кунда йил давомида қимиз билан таъминлаш мақсадида қуритилган сут кукунлари ҳам тайёрланмоқда. Бияларнинг энг кўп сут бериш даври 7 - 12 ёши бўлиб, қимизни яхши бўлиши яйлов шароити, тайёрлаш технологияси ва озуқани тўйимлилигига боғлиқдир. Соғиш жойларида алоҳида шийпон ва қулунларни ажратадиган жойлар тайёрланади. биялар кун давомида яйловда боқилиб, яна қўшимча 2-3 кг дан ем берилади. Яхши сут берадиган бия кунига 10 - 24 литргача, йил давомида 1000 литргача сут бериб, шунинг 50 - 70% ини қулунлар эмади. соғиладиган биянинг сути кўпайиб ўзи ориқлаб борса рационни 12 - 13 оз. бирлигига етказилиб, ширали, илдизмевали озуқалар микдори оширилади. қишда эса доимо сенаж ва ўт унлари бериб борилади.

Бияларни соғиш даврида қулунлар 2 - 3 соат, кейинчалик аста - секин вақт кўпайтирилб 14-18 соат бия билан сақланади. қулун туғилганидан 30 - 40 кун кейин биялар кунига 5 - 6 марта соғилади. Бияларнинг сут бериш микдорини камайишига - соғиш жойларини тез ўзгартириш, шовқин-сурон, бегона одамларни келиши, ҳалат алмаштириш ва бошқалар сабаб бўлади. Қулунларни сутга қўйиш ҳар доим бир вақтда бўлади. Агар бия безовта бўлса ёки охурни камира бошласа соғишни тез тўхтатиш керак.



Бияларни соғиш

Кулунларни ўстириш гигиенаси - бияларни туғиши кўпинча март, апрел ойларига, баъзан ҳавонинг нам ва совуқ вақтига тўғри келиши мумкин. шунинг учун отхоналар иситилиши, елвизаклар ёпилиши ва ҳаво ҳароратини отхонада $+6 + 10^{\circ}\text{C}$ атрофида сақлаш лозим. Айниқса биялар туғадиган жойлар санитария-гигиена талабига жавоб бериши керак. Соғлом туғилган кулун тезда оёққа туриб, онасини елинини излай бошлайди, энг асосийси туғилгандан 0,5-1 соат кейин оғиз сути беришдир. Агар баъзи сабабларга кўра кулунча эма олмаса ҳар 1-1,5 саотда онасини сутидан эмизик орқали эмизилади. Кулун кучга киргандан кейин онасини эмиб кетади. агар бия боласини олмаса, у ҳолда кулунчани ўзи билан бир кунда туғилган бияни эмизиб ўргатилади.

Янги туғилган кулунчалар кўпинча биринчи тезаги чиқмай қолиши мумкин, бундай ҳолатда тезда клизма қилинади. баъзан кулунларни орқа

чиқарув тешиги ёпиқ туғилади, бундай ҳолда ветеринария врачлари ёрдам кўрсатади. Ишлаб чиқариш амалиётида қулунлар сигир сути билан ҳам боқилади. От сутидан сигир сутининг фарқи шуки, сигир сутида ёғ ва оқсил кўп, аммо шакар кам бўлади.



Қулунли бия

Шунинг учун иссиқ сувда эритилган шакардан 1 л сутга бир қошиқ солинади. Сут янги ва ҳарорати 36 - 38⁰с бўлиши лозим. Қулунларга биринчи 2 ойлигида ҳар 1,5 - 2 соатда, кейинчалик кунига 4 - 5 соатда берилади. Қулунлар 1 ёшгача жуда тез ва яхши ўсади. Шунинг учун бияларга яхши, сифатли ва тўйимли озуқалар бериб борилади. Агар қулунлар кучсиз, заиф туғилса совуқга, намликга ва ҳавонинг ҳароратига сезувчан бўлади, қалтирайди. Бундай вақтда уларнинг танасини, оёқларини уқалаш, иссиқ ва майин тўшама солиш зарур. Туғилгандан 3 - 5 кун кейин онаси билан бирга 30 - 40 дақиқага ташқарига чиқарилади ва аста-секин вақт узайтириб ўргатиб борилади. Айниқса қулунларни зах, совуқ ерда ётиб қолмаслигига эътибор бериш лозим. Қулунлар кунига 20-30 мартаба онасини эмганлиги учун уларни узоқ ажратмаслик, аравага қўшилаган бияларни тез ҳайдамаслик керак. Қулунлар онасидан эрта ажратилса яхши ўсмайди. ишлатиладиган бияларнинг қулуни 5-6 ойлигида, наслик бияларники - 8 ойлигида

ажратилади. Эркак тойлар 2 бошдан денникда сақланиб тозалашга, қашишга, туёғини тозалашга, нукта, юган уришга ўргатилиб берилади ва ҳар куни яйратишга чиқарилади. очик ҳавода ҳаракат қилиши ўсишига, суякларини мустаҳкамланишига ва ҳар хил касалликларга чидамли бўлишига ёрдам беради. Уларга сифатли, тўйимли хилма-хил озукалар берилади. кунлик озука рационада дуккакли, донли ўсимликлар пичани, сенаж, сабзи ва бошқалар бўлиши лозим. Сабзини таркибида каротиин кўп бўлганлиги учун организмни чидамлилигини оширади, овқат ҳазм қилиш органларини ишини яхшилади. Уюлда боқилаётган бияларни кулунлари куз ва кўкламда ажратилади. Кузда ажратилганлари зоогигиеник талабларга жавоб берадиган боқилади, кўкламда ажратилганлари сер ўт яйловга ўтказилади. Тойлар икки ёшга киргандан бошлаб нукта, эгар - жабдук, юриш, енгил юк ва бошқаларга ўргатиб борилади. Уларни яхши от қилиб тайёрлашда ўргатувчининг илми ва тажрибаси, такрорий ва доимий машғулоти, отга бўлган меҳри, чидамига, зарур бўлганида отни жазолаш ва эркалатиш йўлини билиши, характериға қараб муомала қилиш ва бошқаларға боғлиқ бўлади.

Ишчи отлар ва уларнинг эгар-жабдуқларига бўлган гигиена талаблари - отларнинг соғлигини сақлаш ва иш унумини оширишда улардан ишчи кучи сифатида тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бажариладиган иш отнинг кучига қараб бўлинади. Иш ҳаддан ташқари кўп ишлатмаслик керак, чунки бу иш унумдорлигини пасайтиради ва уларни турли касалликларға йўлиқтиради. Отлар 4-5 ёшида тўлиқ кучға киради. Отлар соғлигига зарар етказмай, максимал даражада ишлаши қўйидаги омилларға боғлиқдир: Отнинг семизлиги, ёши ва вазни; отни ишға тайёрлаш ва машғулотлар ўтказиш; отға мос эгар-жабдуқларни танлаш; отни вақтида озиқлантириш, суғориш ва дам бериш; иқлим шароити, ер тузилиши, йўлнинг аҳволи; отнинг физиологик ҳолати ва ҳ.к. боғлиқ бўлади. Отнинг иши юкни қанча масофаға тортиб бориши билан ўлчанади (кг/м, кг/км, тонна/км). Ишчи отлар кунига 10 - 12 соат, мавсум вақтларида 12-14 соатгача ишлатилади. Иссиқ ҳавода, намлик кўпайганда улар тез чарчайди. шунинг учун соя салқин

жойларда дам берилади, отхоналарга киритилади. ишдан кейин оёқ-туёқларига, эгар - жабдуқлар тагига диққат билан қаралиб тозаланади.

Эгар-жабдуқларига - юган, бўйинтурук, эгар, айил, ўзанги, тўхтатувчи тасма, шоти тасмаси, эгарчани кўтариб турадиган тасма, шоти занжирчаси, томоқбов, кулоқбов, чирги, жобув, томоқ тасма, кўшқоқ ва бошқалар киради. бу эгар-жабдуқлар ҳар бир отнинг ўзига мос, ўлчамига тўғри бўлиши зарур. Бу отларни бошқариш, ишлатиш ва минишда ёрдам беради, тортиш кучини оширади. Агар эгар-жабдуқлар мос келмаса мускулларни босади, нафас олиш, қон айланиш қийинлашади, иш унуми пасаяди. Кўпинча отларнинг бўйнида, елкасида, белида, сағрисида яллиғланиш пайдо бўлади. Уларни эгар-жабдуқлари маҳкам, енгил, мустаҳкам, оддий бўлиб, зарур вақтда тез алмаштириладиган, от гавдасига мос ва танасига ботмайдиган бўлиши керак.

III. Мавзунини қишлоқ касб - ҳунар коллежида ўқитиш услуби

Мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги даврида фан-техника тараққиёти олий таълим тизимида жаҳон андозаларини ҳисобга олган ҳолда таълимни такомиллаштириш масалаларини илгари сурмоқда. Президент И.А.Каримов «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида» номли асарида «Таълим халқ маънавиятига яратувчилик кайфиятини бахш этади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади. Касб-кори, маҳорати ўзлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади», - деб таъкидлаб ўтганлар. Бугунги кунда олдимизда жаҳон фани ва маданиятининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассамлаштирилган, инсон ақл-заковати яратган бойликлардан баҳраманд бўлган янги авлодни шакллантириш вазифаси турибди. Фақат шу асосдагина миллатнинг тараққиёт сари интилишини таъминловчи интеллектуал кучни вужудга келтириш мумкин.

Президентимиз томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида

«Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгилан эди.

Таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш вазифасини муваффақият билан ҳал этиш олий таълим тизими ходимлари олдида жуда катта вазифаларни белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларининг долзарблиги -

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишни, жамиятнинг маънавий янгилашини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти курмоқда.

Замонавий бозор иқтисодининг шаклланиши корхоналар орасидаги рақобат асосида, халқ хўжалигини барча тармоқ ва звеноларнинг кескин ривожланишини тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиётини рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Корхоналар орасидаги рақобат ўз навбатида, фан - техника ва технологияни, яъни илмий техника тараққиётининг (ИТТ) жадаллашувига олиб келади.

Бу тизим фанлар орасида сунъий тўсиқларни сақлаб қолиб, замонавий касбий таълим эҳтиёжларига тобора камроқ жавоб бермоқда. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берадиган, замонавий талабларга кўпроқ мослашган ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари, жумладан, кадрлар тайёрлашнинг модуль тизимидир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида бунга алоҳида эътибор қаратилган, унда таъкидланганидек, «янги

педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш» лозим.

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:25
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли кириш маъруза
Маъруза машғулотининг режаси:	1. Отларни сақлаш усулари ва отхоналар қуриш гигиенаси. 2. Отларни озиқлантириш, суғориш ва соғиш гигиенаси. 3. Ёш қулунларни ўстириш гигиенаси. 4. Ишчи отлар ва уларнинг эгар-жабдуқларига бўлган гигиена талаблари
Ўқув машғулотининг мақсади: “Отлар гигиенаси” тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - Отларни сақлаш усуллари тўғрисида тушунча. - Отларни озиқлантириш ва суғоришда гигиена талаблари. - Отлар учун ажратиладиган жой меъёрлари. - Денник ва стойлаларнинг ўлчамлари	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Отларни сақлаш усуллари билан танишадилар. - Ажратилган жой майдонлари ва денникларнинг ўлчамлари билан танишади - Бериладиган озиқа турлари, туйимлилиги ва суғориш тўғрисида маълумот берилади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, Б-Б-Б стратегияси, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, слайдлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий

<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб

Маъруза машғулотининг технологик харитаси


<i>Фаолият боскичлари</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчининг</i>	<i>Талабанинг</i>
I. Мавзуга кириш босқичи (20 дақиқа)	1.1. Мавзуни эълон қилади. Мавзу режасини эълон қилади ва мавзунинг моҳиятини ва мазмуни айтади. 1.2. Мавзу бўйича ўрганиладиган муаммоларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалиёт ўтказиш ва мустақил ўрганиш билан боғлайди. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изохлайди. 1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутиладиган натижаларини эълон қилади. 1.4. «Ақлий ҳужум» ва муаммоли маъруза методини қўллаб, мавзу бўйича таянч тушунчаларни айтади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар Мавзуни дафтарларига ёзадилар. Ўз фикрларини билдирадилар.
II. Асосий босқич (50 дақиқа)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: Мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади. 2.2. Намойиш қилиш ва изохлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Мавзунинг ҳар бир саволи бўйича хулосалар қилади. Талабаларнинг эътиборини асосий	Тинглайдилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама

	тушунчаларга ва аҳамиятли томонларига жалб қилади. 2.3. Доскада қайд этилган асосий тушунчаларга қайтишни таклиф қилади. Талабалар билан ҳамкорликда тушунчалар рўйхатини аниқлаштиради, қайтарилганларини олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшади (ёзадилар).	қиладилар, дафтарларига ёзиб оладилар
III. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қиладилар. Фаолият натижаларини изохлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланилиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради. 3.2. Талабалар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: назорат саволларига оғзаки жавоб бериш.	Саволлар берадилар Вазифани ёзиб оладилар

1-илова.

Мавзуга оид саволлар

1. Отларни сақлаш усуллари айтинг.
2. Йилқичиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
3. Отхоналарда микроклим кўрсаткичларини айтинг.
4. Қулунларни ўстиришни айтинг.
5. Отларни озиклантириш меъёрлари.
6. Отларни эгар-жабдуқларини танлашни айтинг.



Наслн 40 бош отга мўлжалланган отхона

“Тушунчалар тахлили” усули янги мавзу бўйича дастлабки билим ва тушунчаларни эгалаганликларини аниқлаш учун фойдаланилади

Мавзу бўйича асосий таянч иборалар ва тушунчаларнинг мазмуни ёритиб беринг

Таянч иборалар ва тушунчалар	Мазмуни
Отларни сақлаш усуллари	
Озиқа турлари	
Ажратилган жой меъёрлари	
Катаklar ўлчамлари	
Қулунларни ўстириш усуллари	
Бияларни соғиш усуллари	
Биялардан олинадиган маҳсулотлар	

Отхоналарда микроиклим кўрсаткичлари

№	кўрсаткичлар	Меъёри ва ўлчов бирлиги
1.	Ҳавонинг ҳарорати даража цельсий	+ 6 – 8 ⁰ С
2	Нисбий намлик миқдори	60 – 85 %
3	Ҳавонинг ҳаракат тезлиги	0,3 – 0,5 м/секунд
4	Ёруғлик коэффиценти	1 :10 ва 1 : 15
5	Сунъий ёруғлик	30 – 50 люкс
6	Аммиак газы	20 мг/м куб
7	Карбонат ангидрид газы	0,25%
8	Ҳаводаги чанглар миқдори	3 – 5 мг/м куб

Ишчи отларнинг эгар – жабдуқларига қуйидагилар киради.

№	номи	№	Номи
1	юган.	8	шоти тасмаси
2	бўйинтуруқ	9	эгарчани кўтариб турадиган тасма
3	эгар	10	шоти занжирчаси
4	айил	11	томоқбов
5	ўзанги	12	кулоқбов
6	тўхтатувчи тасма	13	чирги
7	томоқ тасма	14	жобув

ХУЛОСАЛАР

1. Отларни зоогигиеник нормативлар асосида сақламаслик натижасида уларнинг турли хил касалликларни келиб чиқиши ва чидамлилиқ қобилятини пасайишига олиб келганлиги аниқланган.

2. Отхоналарда нисбий намликни 95 – 98% гача ошиши ва ҳароратнинг пасайиши ўсиш ва ривожланишнинг секинлашиши ҳамда озуқа сарфининг кўпайишига сабаб бўлади.

3. Отхонада микроклим кўрсаткичларисақлаш усуллариға боғлиқ эканлиги аниқланган.

4. Отларни зоогигиеник талабларға жавоб бермайдиган отхоналарда сақлаганда уларнинг маҳсулдорлигини камайиши ҳамда озуқа сарфининг ошиши аниқланган.

5. Отларни меъёردа озиқлантириш уларнинг ўсиш ва ривожланишиға ижобий таъсир кўрсатиши исботланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308 сонли қарори. Тошкент 2006 йил 13 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842 сонли қарори. Тошкент 2008 йил 21 апрел.
3. Байбаева М. “Таълимда инновацион педагогик технологиялар”. Касб – ҳунар таълими журнали 2006. № 3. 17 – 18 бетлар.
4. Мусинов Я.Х., Чалабаев А.Ж. «Ҳайвонлар организмига сақлаш усулининг таъсири». Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари. Илмий конференция тўплами. Самарканд, 2009.
5. www.Ziyonet.uz
6. www.zootexniya.ru

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖААЛИК ИНСТИТУТИ МАЛАКА ОШИРИШ
ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ ТИНГЛОВЧИСИ ОЛТИБОЕВ
ҒУЛОМНИНГ МАЛАКАВИЙ ИШИГА

ТАҚРИЗ

Республикаимизда чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика Президенти И.А.Каримовнинг 2006 - йил 23 мартдаги ПҚ-308 ва 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ – 842 қарорлари чорвачиликни ривожлантиришда айнан муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Тингловчи Ғ. Олтибоевнинг малакавий ишининг асосий мақсади – “Отлар гигиенаси” мавзусини касб – ҳунар коллежлари ўқувчиларига педагогик технологиялардан фойдаланиб етказиш ҳисобланади. Ушбу малакавий иш кириш, асосий қисм, мавзунини ўқитиш усули, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар бўлимидан иборат.

Мавзунини ўқитиш усули қисмида “Отлар гигиенаси” мавзусини қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ўқитиш услуби тўлиғича баён этилган.

Хулоса қисмида қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида Зоогигиена фанидан “Отлар гигиенаси” мавзусини ўқитишни ташкилий - услубий ҳамда илмий-амалий жиҳатлардан такомиллаштириш зарурлиги баён этилган.

Бундан ташқари Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида Зоогигиена фанидан “Отлар гигиенаси” мавзусини ўқитишда маъруза ва амалий машғулотларни янги инновацион, ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳамда ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини назарда тутган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Мазкур малакавий иш услубий жиҳатдан тўғри ва тушунарли ёзилган бўлиб, ДТС талабларига жавоб беради. Ишни химояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:
Катта ўқитувчи

А.Чалабаев